

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 30 март, № 62 (6497) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ

техник ва технологик жиҳатдан изчил янгиланиб борилаётгани туфайли янада юксалмоқда



Ҳар бир давлатнинг иқтисодий тараққиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида саноат салоҳияти муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

ТАҲЛИЛ

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, “Биз учун асосий вазифа — ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур”, дея яна бир бор таъкидладилар.

Айтиш керакки, ана шундай тамойиллар асосида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли истиқлол йилларида республикамиз саноати жадал суръатларда ривожланиб, юксак марраларга эришилди. 1990 — 2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4 мартадан кўпроққа, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 17,6 фоиздан 33,5 фоизга ўсгани ана шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.



Ваҳолонки, Ўзбекистонда мустақиллик остонасида иқтисодиётнинг мазкур соҳаси ниҳоятда заифлашиб қолганди. Саноат маҳсулотлари таркибида тайёр товарлар улуши жуда кам, юқори технологияларга асосланган тармоқлар ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас эди. Технологик ускуна ва жиҳозлар, турли хом ашёлар, ҳатто озиқ-овқат маҳсулотлари четдан олиб келинарди. Устига-устак, ҳар йили миллион-миллион тонна пахта етиштириладиган давлатга пайпоқ ҳам импорт қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?!

(Давоми 2-бетда).

1990 — 2015 йилларда мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **4** мартадан кўпроққа ўсди.



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Янги корхона иш бошлади

**Фарғона**

Ўзбекистон туманидаги Шўрсув шаҳарчасида йилига 100 минг тоннагача цемент ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод фаолият бошлади.

Умумий қиймати 1 миллион 938 минг АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳани “Turon eco cement” масъулияти чекланган жамияти хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда рўёбга чиқарди. Янги корхонада 110 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Цемент заводини қуришда бежиз мазкур ҳудудни танламадик, — дейди жамият раҳбари Қодирхон Аҳмедов. — Чунки бу ерда хом ашё кўп. Бу эса ортиқча сарф-харажат ва оворагарчиликка барҳам беради.

Корхона тўла қувватда ишлашга ўтгач, бу ерда яна қўшимча 90 та иш ўрни яратилади.

**Набижон СОБИРОВ.**

### Буюртмалар кўпаймоқда

**Самарқанд**

Самарқанд туманидаги махсус оёқ кийимлари ва спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Amir-UL-Baxr VMG” масъулияти чекланган жамияти иш бошлаган дастлабки пайтда жамоа ходимлари атиги 10 кишидан иборат эди.

Ўтган қисқа фурсатда корхона фаолияти кенгайиб, тайёрланаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми ортиши баробарида, ишчилар сони 60 нафарга етди. Ҳозирги вақтда МЧЖда энг замонавий технологиялар ёрдамида ойига 25 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилаяпти.

Корхона раҳбари ўринбосари Баҳора Аҳмедованинг айтишича, маҳсулотлари нафақат Самарқанд вилояти, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги саноат корхоналарига ҳам шартнома асосида етказиб берилаётир. Қолаверса, турли тендер ва савдо-ярмаркаларида қатнашиб, кўплаб буюртмалар қабул қилишаяпти. Улар келгусида иш кўламини янада кенгайтириш ниятида.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Экспорт географияси кенгаяди

**Бухоро**

Олот туманидаги “Бухоро нью текстиль” масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 148 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми маҳаллий ёшлардир.

— Модернизациялаш тадбирларининг бажарилиши туфайли калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизнинг экспорт салоҳияти ошди, — дейди бош технолог Фарҳод Хайриев. — Ўтган йили хорижлик буюртмачиларга 1 миллион 62 минг АҚШ долларилик маҳсулот жўнатдик. Бу 2014 йилдагига қараганда тўрт баравар кўпдир. Ушбу натижа билан кифояланиб қолмоқчи эмасмиз. Молия муассасалари кўмагида фаолиятимизни кенгайтириб, қўшимча 30 та иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бу борадаги бизнес лойиҳани амалга ошириш орқали экспорт географиясини ҳам кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлиси 2016 йил 31 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 30 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**ТАНЛОВ**

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида “Намунали милиция таянч пунктлари” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳудудларда ғолиб бўлган 14 та милиция таянч пункти жамоалари қатнашди.

## Тинчлик ва осойишталик посбонлари

Таъкидланганидек, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимиз тинчлиги, хавфсизлиги ҳамда осойишталигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни ички ишлар тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, маҳаллаларда милиция таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилиб, улар халқимизга ҳар жиҳатдан яқин бўлган малакали профилактика инспекторлари билан таъминланди. Юртимиздаги осойишталик ва барқарорликни таъминлашда маҳалла фаоллари ҳамда профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўтган йиллар мобайнида милиция таянч пунктларини қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларни малакали профилактика инспекторлари билан таъминлашга қаратилган кўплаб эзгу саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқарилди. Пировардида ҳозирги кунга келиб, ушбу маскан халқимизнинг таянчи ва суянчи сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этаяпти. Айни чоғда республикамиз бўйича 3767 та милиция таянч пункти бўлиб, уларнинг барчасида зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Ушбу масканларнинг 77,7 фоизи ҳузурида турли тўгараклар, 79,6 фоизида кичик бизнес шохобчалари, 83,6 фоизида зарур анжомлар билан тўла жиҳозланган спорт майдончалари самарали фаолият кўрсатаётир. Натижада ёшларнинг, умуман, аҳолининг бўш вақти мазмунли ташкил этилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бораётгани эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

## Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари

Германиянинг Фрайбург, Хайдельберг ва Оффенбург шаҳарларида (Баден-Вюртемберг федерал ери) Ўзбекистон маданияти кунлари ташкил этилди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Уч кун давомида бўлиб ўтган тадбир дастуридан ГФР таниқли олимларининг Ўзбекистон тарихий мероси ва замонавий ривожланиши, Наврўз байрамининг ўзига хослигига оид маърузалари, халқимиз миллий ошхонасининг тақдимоти жой олди.

Германия — Ўзбекистон илмий жамиятининг раиси Хуррам Раҳимов анжуманни очар экан, Наврўз асрлар давомида табиат уйғониши ва ҳаёт тантанаси, эзгу орзулар ҳамда яратувчанлик ғояларининг рамзи бўлиб келаётганини қайд этди. Таъкидланганидек, ушбу байрам замирида нафақат кўкламнинг кириб келиши ва табиат янгиланиши, балки инсонпарварлик, меҳр-шафқат, ўзаро кўмак ҳамда бағрикенглик сингари умуминсоний қадриятлар мужассамдир.

Ўз навбатида, **Фрайбург шаҳар мэрининг ўринбосари Ульрих фон Кирхбах** бағрикенглик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш Ўзбекистон — Германия маданий мулоқотидаги ўзига хос жиҳат эканлигини билдирди.

Шаҳар маъмурияти раҳбари ўринбосарининг айтишича, бу йил давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлайдиган Ўзбекистон Республикаси жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. Дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан буён мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, Ульрих фон Кирхбах Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикасининг олий ўқув юртлари, илмий ташкилотлари ҳамда маданий институтлари ўртасидаги мунтазам алоқалар ўзаро ҳамкорлик ривожида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Ноу-хау ва технологиялар, турли соҳалардаги ўзаро тажриба алмашувлари алоқаларнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу ўринда шаҳар мэрининг ўринбосари Ўзбекистон маданияти кунлари сиёсий, иқтисодий ва илмий муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшиши билан бирга, Германия жамоатчилигини Ўзбекистон маданияти ва унинг сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништириш ишига катта ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

(Давоми 2-бетда).

## Ёшлик ва шижоат байрами

Қашқадарёда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида анъанавий ёшлар фестивали бошланди.

Ушбу йирик акция эртамиз эгаларини мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларнинг ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлодни “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларидан асраш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Фестиваль доирасида олий таълим муассасаларининг иқтидорли, илғор ва ташаббускор талабаларидан иборат маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий, соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишлари бўйича тарғибот гуруҳлари шакллантирилиб, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маданият ҳамда санъат намояндалари, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, опера ижрочилари, ёш олимлар, давлат мукофоти совриндорлари, шоир ҳамда ёзувчилар, спортчилар қатнашмоқда. Мазкур гуруҳлар иштирокида ташкил этилаётган қизиқарли тадбирлар вилоятнинг барча ҳудудида бўлиб ўтаяпти.

— Ҳар бир таълим муассасаси, маҳаллий ҳокимликлар, ҳарбий қисмлар, маданият ва истироҳат боғлари, спорт майдончалари, аҳоли дам олиш масканлари ҳамда маҳаллаларда уч кун давом этадиган ушбу анжуман ёшларнинг дунёқараши ва маънавий камолотига хизмат қилувчи 18 та тарғибот лойиҳасини ўз ичига олади, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Фурқат Норматов. — Айтиш жоизки, бу йил ёшларнинг таклифлари асосида дастурга кўплаб янги лойиҳалар киритилди. Жумладан, “Бу — менинг Ватаним!” шиори остида Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли китобининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тақдимотлар, “Кичик фильмдан катта кинога”, “Талабалар театр студиялари”, “Ёшлар симфоник оркестри концерт дастурлари”, “Ватаним — менинг фахрим”, “Ёшлар — жонли ижро тарафдори” каби лойиҳаларнинг ташаббускори айнан навқирон авлод вакилларидир.

Фестивалнинг Қашқадарё вилояти босқичи 31 мартга қадар давом этади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Давлатимиз раҳбари Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

# Ёшлар билан учрашув

## уларнинг ҳуқуқий онги юксалиб бораётганини кўрсатмоқда

Мазкур масала шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг олий ўқув юртлари, ёшлар марказлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда сайловчилар билан учрашувлари доирасида ёшлар иштирокида бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий тадбирларда кенг муҳокама этилаётир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ жисмонан бақувват ва маънан етук, интеллектуал салоҳиятли, ҳар томонлама билимли, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни вояга етказиш, уларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёди ёшлардир.

Таъкидлаш керакки, юртимизда изчил ва кучли ёшлар сиёсати олиб борилаяпти. Булар Конституциямиз, мазкур соҳага тааллуқли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун истиқлолга эришганимиздан сўнг биринчи бўлиб қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларидан бири эканлиги ҳам бу борада ўзига хос рамзий мазмун-моҳият касб этади. Шунга уйғун тарзда соҳада кўплаб мақсадли давлат дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик тобора мустаҳкамланиб бораётгани мазкур эзгу ишларда юқори самарадорликни таъминлаяпти.

Депутатлар ёшлар билан ўзаро ишончга асосланган мулоқотлар давомида давлатимиз раҳбарининг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг аҳамияти, ёшларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётгани ҳақида сўзлаб беришди. Ёш авлод вакилларини республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари билан таништирди. Учрашув қатнашчиларининг фикрича, қайси мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурса, ўша ерда ҳамма жабҳада ижобий ўсиш суръатлари сақланади.

Хусусан, **1-Нукус сайлов округи**да бўлиб ўтган ана шундай тадбирлардан бирида жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жадал ривожланишга имкон яратаётгани таъкидланди. Шу билан бир қаторда, дунёда кечаётган мураккаб вазиятлар ҳар биримизни огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Сабаби, турли таҳдидлар, ёт ғоялар ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатишга уринмоқда. Парламент аъзолари қайд этишганидек, ушбу йўналишда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда она-юртига муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданияти, маънавиятини юксалтириш, қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришга эътибор қаратиш муҳимдир.

Ўз навбатида, ёш авлод вакиллари депутатларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишар экан, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи, жамият ҳаётидаги янгиланишларда фаол иштирокчи эканликлари ҳақида аниқ тушунчага эгалигини таъкидлашди.

**42-Косонсой сайлов округи**да ўтказилган учрашувда қатнашчиларнинг эътибори ёшлар сиёсати, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига қаратилди. Хусусан, уларнинг қатор йўналишлари "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида ҳам белгилаб берилган.

Навқирон авлод вакиллари "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янги таҳрирда ишлаб чиқиш масаласига алоҳида қизиқиш билдирдилар. Улар мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қатор нормаларини такомиллаштириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини айтиб ўтишди. Буларнинг барчаси эртамиз эгалари мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш йўлида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси эканлигининг, уларда фуқаролик позицияси юксалиб бораётганининг ёрқин тасдиғидир.

Умуман, учрашувлар жонли баҳс-мунозара тарзида ўтди. Парламент фракциялари аъзолари ўз партиялари Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, келажак мақсадларига эришиш йўлида таянчимиз ва умидимиз бўлган ёшлар билан ишлашни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Профессор Клаус Пандер ва фан доктори Мелани Кребс**нинг Наврўз байрамининг ҳозирги дунё цивилизацияси учун аҳамияти ҳақидаги маърузалари мунозараларга бой бўлди. Немис олимларининг гўзаллик ва эзгулик айёми — Наврўзи олам хусусидаги шахсий илмий тадқиқотларига асосланган чиқишлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Мазкур маданий тадбир доирасида **Хайдельберг педагогика институти ректори Ханс-Вернер Хунеке** билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. У халқимизни шарқона янги йил билан самимий қутлар экан, Германияда Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилаётгани немис жамоатчилиги ўртасида Ўзбекистоннинг жадал тараққиётини, унинг маданий ва сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништириш учун яхши имконият яратганини қайд этди. У Германия — Ўзбекистон илмий жамиятининг 60 нафардан зиёд аъзоси мавжудлигини маълум қилар экан, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга ҳамда Ўзбекистондаги таълим жараёнларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

Ханс-Вернер Хунеке, шунингдек, илмий ва маърифий йўналишларда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларнинг ривожланиб бораётганини юқори баҳолади. Унинг айтишича, ўзи раҳбарлик қилаётган олий ўқув юрти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўртасидаги академик алмашувларнинг жадаллашиб бораётгани кузатилмоқда. Мазкур олий таълим муассасалари талабалар учун стипендия ажратаётганидан ташқари, Ўзбекистонда "Германистика" йўналиши учун қўшма ўқув дастурларини тайёрлаш билан ҳам шуғулланаётир.

**«Жаҳон» АА.**
Франкфурт




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Тинчлик ва осойишталик посбонлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Профилактика инспекторлари билан соҳавий хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакилларининг узвий ҳамкорлиги туфайли 2015 йилда 1967 маҳаллада жиноятчилик ҳолатлари умуман қайд этилмагани бунинг амалий ифодасидир.

Қўлга киритилаётган бундай ютуқларда, албатта, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Намунали милиция таянч пунктлари" кўрик-танловининг ҳам аҳамияти беқиёс. Зеро, ушбу танлов асносида яхши натижаларга эришаётган бундай масканларнинг иш тажрибаси ва ютуқлари кенг оммалаштирилаяпти. Бу бошқа милиция таянч пунктлари учун намуна вазифасини ўтамоқда.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган милиция таянч пунктлари фаолияти махсус гуруҳ томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Иштирокчилар иш фаолияти қамраб олинган фотоальбом, видео ва бошқа материаллар чуқур таҳлил қилинди. Айни чоғда ушбу масканларнинг маданий-маърифий кўргазмали ташвиқот лавҳалари билан жиҳозланиши, улар қошида ташкил этилган тўгараклар, кичик бизнес субъектлари ва спорт мажмуалари фаолияти ҳам инобатга олинди.

— Ҳудудимизда 2 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Янгиқўрғон туманидаги "Водий" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 188-милиция таянч пункти профилактика инспектори Ботир Боятов. — Кейинги йилларда бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланмоқда. Ҳозир маҳалламизда 10 дан зиёд ана шундай субъектлар самарали фаолият кўрсатаяпти. Зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган майдончалар ёшлар ихтиёрида. "Намунали милиция таянч пунктлари" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этишнинг ўзи биз учун катта муваффақиятдир.

Кўрик-танловда юртимизнинг 4 ҳудуди бўйича ғолиб бўлган милиция таянч пунктлари аниқланди. Яъни Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 294, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги Далварзин маҳалласидаги 194, Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги "Ромитан" қишлоқ фуқаролар йиғинига хизмат қилувчи 94 ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Қилчиноқ" овулидаги 199-милиция таянч пунктлари биринчи даражали диплом ҳамда "Matiz" автомашиналари билан тақдирланди. Кейинги ўринларни эгаллаган жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Маҳалламизда ёшларга бўлган эътибор катта, — дейди Юқори Чирчиқ тумани "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 294-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори Зайниддин Ҳожиев. — Бу ердаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш цехларида, асосан, ёшлар меҳнат қилади. Ёш авлод вакиллари учун долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказиш изчил йўлга қўйилган. Буларнинг барчасида фуқаролар йиғини раиси ва фаолларининг кўмагига таянамиз. Ғолиблар сафидан жой олганимиздан жуда мамнунмиз. Ўз навбатида, бу зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

Танловда қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг дипломлари ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, Б. Ҳодиев сўзга чиқди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ишлаб чиқарувчилар учун қулай имконият

Сирдарё вилоятида ишлаб чиқариш субъектлари сони ва уларнинг маҳсулотлари тури йил сайин кўпайиб бормоқда. Хусусан, айни пайтда ҳудудда 17 та йирик ҳамда 1021 кичик корхона фаолият юритаяпти.

**ЯРМАРКА**

Гулистон шаҳрида ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси улар салоҳиятини кенг намойиш этишга хизмат қилди. Маҳаллий корхоналарда тайёрланаётган, импорт ўрнини босувчи фармацевтика, енгил саноат, мебелсозлик, озиқ-овқат, қурилиш каби тармоқларга оид маҳсулотлар, шунингдек, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликларининг қайта ишлаш соҳасида эришган ютуқлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ярмаркада, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ҳам қатнашди.

Муҳими, икки кун давом этган тадбирда ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачилар ўртасида умумий қиймати 16 миллиард сўмга тенг келишувларга эришилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ

## техник ва технологик жиҳатдан изчил янгиланиб борилаётгани туфайли янада юксалмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, муайян тактик ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимиз олдида саноат таркибини тубдан қайта қуриш, ишлаб чиқаришнинг технологик таъминотини яхшилаш, хом ашё ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш каби масалаларни ҳал этиш вазифаси кўндаланг турарди. Шундан келиб чиқиб, саноатнинг стратегик жиҳатдан муҳим базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бунда "ўзбек модели"нинг "Давлат — бош ислоҳотчи" тамойили асосида иш юритилиб, янгиланиш жараёнларида давлат иштироки фаоллаштирилгани айни муддао бўлди. Натижада бозор муносабатларига асосланган ишлаб чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, мустақил инвестиция сиёсати юритиш учун дастлабки шарт-шароитлар яратилди. Бу каби тизимли ўзгаришлар самараси эса 1996 — 2003 йилларни ўз ичига олган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаёқ кўзга яққол ташлана бошлади.

Гап шундаки, бу даврда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўртача 4 фоизни ташкил этди. Бундай натижага эришилишида саноатга йўналтирилган инвестициялар ҳажми муттасил равишда оширилгани, биз учун мутлақо янги соҳалар ўзлаштирилгани муҳим омил бўлди. Юқори технологияларга асосланган автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, замонавий қурилиш материаллари, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, озиқ-овқат саноати ва енгил саноат шулар сирасига киради.

Маълумки, жорий йил конвейердан биринчи ўзбек автомобили чиққанига 20 йил тўлади. Шу қисқа давр ичида мазкур соҳа саноатимизнинг гултожларидан бирига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлар сафидаги ўрнини тобора мустаҳкамлаётгани бунинг тасдиғидир. Айтайлик, Асака автомобиль заводида йилига 250 мингта техник кўрсаткичлари юқори, қулай ва хавфсиз автомобиль ишлаб чиқарилиб, юртимиз ва хорижлик буюртмачиларга етказиб берилаяпти. Дастлабки пайтларда машиналар учун зарур эҳтиёт қисм ва бутловчи буюмларнинг аксарияти четдан олиб келинган бўлса, бугунги кунда уларнинг катта қисми маҳаллийлаштирилгани, айниқса, қувонарлидир. Бундай натижага эришилишида юртимизнинг турли ҳудудларида мазкур жабҳага ихтисослаштирилган 200 дан ортиқ корхоналар ташкил этилгани, тизимда 25 мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар фаолият кўрсатаётгани муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Шу билан бирга, кейинги йилларда мамлакатимиз автомобилсозлари томонидан юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Хусусан, Самарқанддаги автомобиль заводида 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга "MAN" русумидаги замонавий машиналар, "Isuzu" автобуслари тайёрланмоқда. Уларга эса нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб йил сайин ортмоқда.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз саноати ривожланишининг навбатдаги босқичи 2004 йилдан кейинги даврга тўғри келади. Шу муддат ичида қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик янгилаш, янги қўшма корхоналар ташкил қилиш ишлари янада кенг кўлам касб этди. Пировардида саноатнинг етакчи тармоқларида барқарор ривожланиш суръатлари кузатила бошланди. Буни ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши йилига ўртача 8 фоизни ташкил қилаётгани, унда саноатнинг улуши ошиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш, қисқача айтганда, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда эса, табиийки, 2006 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди муҳим роль ўйнамоқда. Дастлаб фонднинг Низом жамғармаси 3 миллиард 200 миллион АҚШ доллари этиб белгиланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, унинг ҳажми 25 миллиард доллардан ошди. Пировардида у 40 дан ортиқ йирик инвестициявий лойиҳалар ижросида фаол иштирок этди. Айни пайтда умумий қиймати 15 миллиард 900 миллион АҚШ долларилик яна 23 та лойиҳа молиялаштирилишида қатнашаяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2008 — 2011 йилларда ўзининг энг авж палласига чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Бу, аввало, энг кўп экспорт қилинадиган маҳсулотларга жаҳон бозорида талабнинг камайиши, нархларнинг тушиб кетишида ўз аксини топди.

Бироқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилингани глобал молиявий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш имконини берди. Чунки мазкур ҳаётий дастурда экспорт қилувчи корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ички талабни рағбатлантириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатнинг асосий тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт реал секторини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон инқироздан энг кам йўқотишлар билан чиққан давлатлардан бири сифатида эътироф этилди. Молиявий таназзул чуқурлашган 2008-2009 йилларда ҳам мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 10 фоиздан ортиқни ташкил қилгани ана шундан далолатдир.

Эътиборлиси, юртимизда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, фармацевтика, автомобилсозлик, нефть-газ, кимё саноатини тараққий эттиришга устувор аҳамият қаратилаётир. Бунинг самараси ўлароқ, фармацевтика саноати жадал ривожланиб, жумладан, корхоналар сони 2 тадан 119 тага етказилгани туфайли дори-дармон, диагностика воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжнинг салмоқли қисми ўзимизнинг маҳсулотлар эвазига қопланмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бой табиий-минерал захираларини турмушимиз фаровонлиги йўлида ўзлаштириш учун замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари бунёд этилаётгани ҳам саноатимиз салоҳиятини юксалтираяпти. Чунончи, Сурғил кони негизида технологияси ва кўлами бўйича жаҳонда бемисл бўлган Устюрт газ-кимё мажмуасининг ишга туширилиши юртимиз иқтисодиётида ўзига хос воқеа бўлди. Сабаби, ушбу ноёб лойиҳа ижроси туфайли йилига 83 минг тонна полипропилен олиш, бунинг эвазига катта миқдорда валютани тежаш, полиэтилен тайёрлаш ҳажмини 3 мартадан кўпроққа ошириш, мингдан ортиқ малакали ходимларни иш билан таъминлаш имконияти вужудга келди.

Қолаверса, саноатимиз равнақининг ҳозирги босқичи бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш даражасига боғлиқ, десак, янглишмаймиз. Нега деганда, истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар умумий ҳажми 63 миллиард доллардан ортди. Уларнинг асосий қисми янги қувватларни фойдаланишга топшириш, мавжудларини модернизациялашга йўналтирилгани ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт кўламини кенгайтиришда қўл келди.

Юртбошимиз ташаббуси билан саноат истиқболига қаратилган узоқ муддатли дастурлар ҳаётга татбиқ қилинаётгани ҳам эътиборга молик. Унга кўра, 2030 йилга қадар нефть-газ соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмини 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотларини 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмларни — 2,3, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитларни — 3,2, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини — 5,6, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 5,7 марта ошириш кўзда тутилганини айтиш кифоя.

Бундай юксак марраларни забт этиш аниқ ҳисоб-китобларга асосланмоғи, мукаммал ишлаб чиқилган дастурий режаларга таянмоғи лозим, албатта.

Шунинг учун ҳам, республикамизда биргина 2015 йилда саноатни ривожлантириш бўйича 5 йиллик муддатни ўз ичига оладиган 3 та давлат дастури қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва уни диверсификациялаш, иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфини камайтириш, тежамкор технологияларни қўллаш, маҳаллийлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалиёти кўзда тутилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2015 йил 11 февралдаги "2015 — 2019 йиллар учун тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш эвазига маҳаллийлаштириш кўламини ошириш вазифаси белгилаб берилган. Аниқроғи, мазкур дастурга мувофиқ, 660 дан ортиқ лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали беш йил давомида маҳсулотлар импортини Навоий кон-металлургия комбинатида 50 фоиз, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси тизимида 47 фоиз, "Ўзагросаноатмашхолдинг" компаниясида 51,1 фоиз, "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниясида 77,8 фоиз, "Ўзфармсаноат" акциядорлик концернида 62,6 фоиз камайтириш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда саноат салоҳиятини юксалтириш, хорижий сармоядорлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Бу эса юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.

**Сайидфозил ЗОКИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди.**

**ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Швейцариянинг “Credit Suisse” банки экспертлари жорий йилда дунё бўйича нефтга бўлган талаб ўсишини тахмин қилишаяпти. Бу ҳақда “Bloomberg” ахборот манбаси хабар тарқатди.*

## Тахмин ўзини оқлайдими?



Шимолий Америка ва Европа иқтисодиётида кузатилаётган тикланиш жараёнлари, ривожланаётган давлатларда йўловчи транспорти воситалари сони кўпайиб бораётгани бунда муҳим омилга айланади. Мутахассисларнинг тахминича, май ойига бориб бир баррель “қора олтин”нинг нархи 50 АҚШ долларини ташкил этиши мумкин.

## Айрим нуқсонлар аниқланди

*Франциянинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Renault” компанияси 2012 — 2015 йилларда сотилган “Zoe” русумидаги ўн мингдан ортиқ электромобилларни қайтариб олинишини маълум қилди.*



Бундай қарор мазкур моделдаги автомашиналарда баъзи нуқсонлар аниқлангани билан боғлиқ. Гап шундаки, уларнинг олд ғилдирак қисмидаги тормоз узатмаси шланги билан корпус ўртасида кучли ишқаланиш хавфи эҳтимоли борлиги маълум бўлди. Бу эса резина “ичак”нинг тезроқ ейилиб кетишига олиб келади.

## Вулқон яна ҳаракатга келди

*АҚШнинг Аляска ярим ороли жанубида жойлашган Алеут оролларидаги Павлов вулқони фаоллашаётгани маълум бўлди.*



“AP” ахборот агентлиги хабарига кўра, ундан чиқаётган тутун ва кул денгиз сатҳидан қарийб олти минг метр баландликкача кўтарилган. Шунинг учун Аляска штатида бир қатор авиарейслар бекор қилинди. Оқибатда 4 мингга яқин йўловчи аэропортларда қолиб кетди. Ўз навбатида, кучли шамол зарарли моддаларни 650 километр масофагача олиб борган. Вулқон кузатилаётган даврдан буён у ерда қирқдан ортиқ фаоллашув ҳолати рўй берган.

## «Ақлли» ойна

*Жанубий Кореянинг “Samsung” компанияси мотоцикл ва скутерлар учун махсус “ақлли” ойналар яратиш технологиясини тақдим этди.*

Ушбу тизим транспорт воситасининг шамолдан тўсувчи шаффоф қурилмасига ўрнатилади. Махсус дастур ва “Wi-Fi” алоқаси ёрдамида эса олд ойнага смартфон уланади. Натижада ҳайдовчи навигатордан фойдаланиш, матнли хабарлар ҳамда қўнғироқлар ҳақида эслатмалар олиш имконига эга бўлади. Бошқарувчи шунга қараб телефонга жавоб бериш учун тўхтаalmaш ёки тўхтамаслик ҳақида қарор қабул қилади. Бу вақтда унинг икки қўли ҳам рулда бўлиб, камроқ чалғийди. Уни яратаётган мутахассисларнинг фикрича, мазкур кашфиёт ҳаракат хавфсизлигини ишончли таъминлашга хизмат қилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

АНЖУМАН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида пойтахтимизда автомобиль йўллари ва кўприклар қурилиши, баъзи йўналишлардаги трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши борасидаги ишлар, уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.



# Равон йўллар, муҳташам кўприклар

## ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қилади

Анжуман аввалида Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида муфассал изоҳ бериб ўтди.

Таъкидланганидек, шаҳардаги транспорт воситалари оқимининг ошиб бориши йўл-коммуникация тармоқларида муайян ўзгаришлар қилиш заруратини туғдирмоқда. Айтайлик, ҳозирги кунда Шота Руставели ҳамда Муқимий кўчаси чорраҳасида ҳаракатдаги автомобиллар сони соатига 11500 тани ташкил этмоқда. Бу транспорт оқими мавжуд қувватга нисбатан 191 фоизга тенг, деганидир. Ушбу кўрсаткич Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишувида 141 фоиз, Нурафшон кўчасининг Октепа майдонига уланиш қисмида эса 131 фоизни ташкил этаётир.

Мутахассислар фикрича, тирбандликнинг юзага келиши ҳайдовчи ва йўловчиларнинг қимматли вақти йўқотилиши баробарида, ёнилғи сарфи ортиб, атроф-муҳит ифлосланишига ҳам сабаб бўлади. Шу боис шаҳар мутасаддилари мавжуд ҳолатни атрофлича ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда, амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Гап шундаки, шаҳардаги трамвай йўлларининг 90 фоизи бугунги замон талабларига жавоб бермайди. Аҳолига қулайлик яратиш, сифатли транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида умумий узунлиги 87,8 километрга тенг трамвай йўли демонтаж қилинади.

Шу билан бирга, Нурафшон ва Беруний кўчалари чорраҳасидан Октепа майдонигача 3,8 километрлик йўл бунёд этилади.

Анжуманда мавжуд транспорт ҳаракати схемасига киритиладиган ўзгартиришлар, айрим автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ҳамда узайтириш ишлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Буларнинг барчаси гўзал шаҳримиз кўчаларида транспорт оқимини маромига келтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва йўловчиларга бирдек қулайлик яратишга хизмат қилади, албатта.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***Фарғона филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2016 йил 4 май куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 10 декабрдаги 1-8406/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 29-сонли «Машъал» МФЙ, Фаробий кўчаси, 9-уй, 9-хонадонда жойлашган, қурилиш ости майдони 114,72 кв.м., фойдаланиш майдони 90,38 кв.м., тураржой майдони 48,38 кв.м. бўлган, 0009-литердаги 3 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 111 291 152 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2015 йил 24 августдаги 1-2650/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 16-сонли «Ойбек» МФЙ, Савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 46,17 кв.м., фойдаланиш майдони 43,44 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 305 ва 320-сонли савдо дўконлари.

***Бошланғич баҳоси — 265 000 000 сўм.***

**3.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2015 йил 23 декабрдаги 1-6807/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 50-сонли «Нафосат» МФЙ, Қашқар қишлоқ кўчаси, 304-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1400 кв.м., қурилиш ости майдони 966,46 кв.м., фойдаланиш майдони 356,33 кв.м. бўлган, 0001 — 0013-литерлардаги ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 294 000 000 сўм.***

**4.** Фарғона тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 11 январдаги 15-1509/24439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона тумани, «Аввал» МФЙда жойлашган, ер майдони 4872,52 кв.м., қурилиш ости майдони 1846,55 кв.м., фойдаланиш майдони 660,45 кв.м. бўлган, 0001 — 0011-литерлардаги маъмурий бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 2 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**2016 йил 20 апрель куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:**

**1.** Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 5 июлдаги 15-12-06/21673-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува тумани, «Намуна» ҚФЙ, Турк қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 2223,01 кв.м., фойдаланиш майдони 212,18 кв.м. бўлган, 0002 — 0012-литерлардаги 2-трактор гаражи бино-иншоотларининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 82 983 854 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 18 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Мазкур мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

530A/74

Хизматлар лицензияланган.


**Хабар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 19 МАРТДАН 25 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 27 февралдаги 4/2-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 22 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1337-4 (2016 йил 28 мартдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 14 мартдаги 01/09-26/30-сон «Давлат акциялар пакети-(улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 24 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1410-7 (2016 йил 28 мартдан кучга кирди).**




503R/11

HIKVISION smart

**Интеллектуальные IP-камеры для**

**РАСПОЗНАВАНИЯ АВТОМОБИЛЬНЫХ НОМЕРОВ**



- Запись событий в базу данных, работа с «черным» и «белым» списком.
- Управление исполнительными устройствами.
- Контроль доступа автотранспорта и формирование отчетов.
- Интеграция в системы «Безопасный город», «Перекресток», «Светофор» и т. п.




**Товар сертифицирован**

437R/12

**Тел. (0-371) 238-99-99. Факс (0-371) 237-29-77.**
**www.hikvisionsmart.uz info@hikvisionsmart.uz**

## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

* 2015 йил 2 февралдаги 2454-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo-Kalos» русумли, давлат рақами 11 S 2489.

***Бошланғич баҳоси — 17 526 020 сўм.***

* 2013 йил 20 июндаги 11223-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5320» русумли, давлат рақами N 088 NUM.

***Бошланғич баҳоси — 9 195 813 сўм.***

* 2015 йил 13 январдаги 1324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Epica» русумли, давлат рақами 01 P 405 BA.

***Бошланғич баҳоси — 32 590 620 сўм.***

* 2013 йил 22 декабрдаги 32021-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами 01 X 195 MA.

***Бошланғич баҳоси — 5 317 068 сўм.***

* 2013 йил 3 июлдаги 12426-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-412» русумли, давлат рақами 10 T 410 AA.

***Бошланғич баҳоси — 1 473 633 сўм.***

* 2012 йил 26 апрелдаги 5782-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Dogan» русумли, давлат рақами 01 K 336 EA.

***Бошланғич баҳоси — 1 178 511 сўм.***

* 2015 йил 2 мартдаги 7160-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 01 V 920 GA.

***Бошланғич баҳоси — 1 313 722 сўм.***

Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан, 2015 йил 24 декабрь куни қўзғатилган 27007/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган картон қоғоз ишлаб чиқариш технологик линияси.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари ва технологик линия билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси ҳамда технологик линия учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (+99895) 504-99-85.**

Гувоҳнома № 004593.

532R/242

## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 3 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 1-415-2015-сонли ижро варақасига асосан қўзғатилган 106-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, давлат рақами 10 R 896 KA бўлган «ГБА-Nexia DOHC 1.6-СПГ» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 34 896 233 сўм.***

* Фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2015 йил 25 майдаги 1-3420/15-сонли суд буйруғига асосан қўзғатилган 6409-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, давлат рақами 10 R 180 KA бўлган «Mercedes-Benz 609-D» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 28 787 000 сўм.***

* Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 27 майдаги 3839-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, давлат рақами 10 L 342 FA, техник соз бўлган «Matiz» русумли.

***Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (+99895) 504-99-85.**

Гувоҳнома № 004593.

523R/237


Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканали” ДУК жамоаси телерадиоканал директорининг ўринбосари Тоҳир Шомуродовга отаси

**Тўлқин ШОМУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди жамоаси Сурхондарё вилояти ҳудудий филиали директори Ҳулкар Эгамбердиевага отаси

**Нормамат ЭГАМБЕРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# «Наврўз байрамининг жозибаси ва нафосати барчамизни мафтун этди»

## дейишмоқда юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар



Мамлакатимизда энг қадимий ва асл миллий байрам — Наврўзи олам шукуҳи кезмоқда. Айём шодликлари маҳаллалар, кўчаю хиёбонлар, сайилгоҳларда қизғин давом этаяпти. Ҳамма бир-бирини меҳр-оқибат шодиёнаси билан муборакбод этаётир. Айниқса, кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиздаги бетакрор обидаларни, жойларда рўй бераётган янгиланишларни кўриш иштиёқида юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳларнинг юзкўзида акс этган ҳайрату ҳавас киши эътиборини тортади. Мухбирларимиз улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

**ШУКУҲ**

**Марико ТАКИНАРИ (Япония):**

— Юртингизда Наврўз сайилларида қатнашиб, жуда қувондик. Кўклам таровати одамлар чеҳрасидаги самимият билан уйғунлашиб кетгандек, гўё. Сумалакни ҳамма жамулжам бўлиб, куй-қўшиқлар айтиб тайёрлаши ҳавасимни келтирди. Қиз-жувонлар, момолар эгнидаги миллий либослар жилоси мени ўзига мафтун этди. Кўксомса, ҳалим каби баҳор таомларининг мазаси оғзимда қолди.

Наврўзни бухороликлар даврасида кутиб олдим. Бу шаҳарнинг обидалари янада сирли ва салобатли бўлиб кўринади. Бағрикенг, аҳил, миллий урф-одат ҳамда анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган халқингизни қутлуғ айём билан табриклайман.

**Жан КАТЕРИН (Франция):**

— Саёҳат учун Ўзбекистонни танлаб, жуда тўғри қилибман, деган хулосага келдим. Чунки бу ернинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос, жуда гўзал экан. Бунинг устига сафарим айни Наврўз кунлари билан туташ бўлганини айтмайсизми? Одамларнинг байрамона кайфиятини кўриб, қадимий Бухоронинг осориатиқаларини томоша қилиб, баҳридилим очилди. Халқингиз меҳр-оқибатли, меҳмондўст экан. Жойларда ташкил этилган сайилларда қатнашиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Қисқаси, унутилмас таассуротлар оғушидаман. Францияга қайтгач, у ердаги ҳамюртларимга серқуёш Ўзбекистон ва унинг самимий халқи ҳақида, албатта, сўзлаб бераман.

**Шрирам ВЕНКАТ (Ҳиндистон):**

— Интернет саҳифаларида Самарқанд ва унинг тарихий обидалари ҳақида жуда кўплаб маълумотлар ўқиб, ушбу афсонавий шаҳарга келишни дилимга тугиб қўйгандим. Наврўз кунларида орзуим ижобат бўлганидан жуда хурсандман. Нафақат мен, балки турмуш ўртоғим ҳам ажойиб урф-одатларингиз, самимиятга йўғрилган фазилатларингиздан ҳайратда қолдик.

Қолаверса, бу ердаги ободончилик ишлари, шаҳару қишлоқларнинг гўзал қиёфасига боқиб, мамлакатингиз жадаллик билан ривожланаётганлигини тезда илғаб олдик. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонликларни шарқона янги йил билан табриклайман. Юртингиз доимо тинч, осмонингиз мусаффо бўлсин!

**Даниэл КСУР (Буюк Британия):**

— Ҳақиқатан ҳам, мамлакатингизга ташриф буюрган сайёҳ бетакрор ҳис-туйғулар билан қайтади. Бу ердаги муқаддас қадамжолар, замонавий иншоотларнинг кўплиги ҳавасимни янада орттирди. Мана, бир ҳафтадирки, Самарқандни томоша қилиб юрибман. Регистон майдонининг ўзига хос ансамблига қойил қолдим. Бу обидалар орасида юрган киши ўзини худди эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этади.

Ўзбекистонда Наврўз айёми катта тантана билан нишонланишига гувоҳ бўлдим. Сафар баҳонасида ушбу байрам сайилларида маза қилиб қатнашдим.

**Жоао КАРЛОС (Португалия):**

— Ўзбекистон — серқуёш ўлка, деб бежиз айтилмас экан. Мусаффо осмон, чарақлаган офтоб, майин шабада менга кўтаринки кайфият бағишлаяпти. Шивалаб ёққан баҳор ёмғири остида Самарқанд кўчаларини айландим. Бу — ҳақиқий мўъжиза. Ушбу гўзал диёрнинг фусункор баҳорини бошқа ҳеч бир мамлакатда кўрмаганман, десам, муболаға бўлмайди.

Юртингиздаги тинчлик-осойишталикка ҳеч қачон кўз тегмасин!

**Сью ХЕНГ (Хитой Халқ Республикаси)**

— Ўтган йилдан буён юртингизда истиқомат қилаяпман. Айни пайтда Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёшларга хорижий тиллардан сабоқ бермоқдаман. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда таълим тизимига қаратилаётган эътибор ибрат олишга арзигулик. Ўқув муассасалари энг сўнгги ютуқлар асосида жиҳозланган. Йигит-қизлар салоҳияти, интилувчанлиги, ёрқин истеъдодига ҳавас қиласан, киши.

Байрам арафасида сумалак сайилларида иштирок этдим. Бу таомнинг ўзгача сири бор экан. Унга шакар қўшилмаса-да, жуда ширин ва мазали.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Истам ИБРОҲИМОВ, Мамадиёр ЗИЁДИНОВ ёзиб олди.**

**ҲАМКОРЛИК**

Италияда ўзбек миллий кураш мактабини очиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган Кураш халқаро ассоциацияси семинарида маълум қилинган эди. Мазкур тадбирда Италия кураш федерацияси президенти, Ўзбекистон Республикасининг Кампания ва Молизе минтақаларидаги Фахрий консули Витторио Жоржи, мураббийлар Линкольн Хан ҳамда Пьетро Марино ҳам иштирок этганди.

# Италияда кураш мактаби очилади

Италия оммавий ахборот воситаларида шу мавзу бўйича берилган хабарга кўра, сафар давомида томонлар 2016 йилга режалаштирилган халқаро мусобақаларнинг кенг қамровли дастурини муҳокама қилдилар.

— Кураш адолатли усул билан мақсадга эришишни англатади, — деди жаноб Жоржи “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида. — Маълумки, мазкур спорт тури кўп асрлар муқаддам Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган. Юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” ҳамда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарларида у билан шуғулланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, руҳини тетиклаштиришда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритилган. Бинобарин, ўн тўртинчи асрдаёқ Амир Темур ўзининг музаффар қўшинида жисмоний тайёргарлик ҳамда мудофаа қобилиятини кучайтиришда курашдан унумли фойдаланган.

У пайдо бўлиши билан энг оммабоп спорт турларидан бирига айланди. Хусусан, тўю томошалар, Наврўз байрамида кураш машҳур кўнгилочар ўйинлар қаторидан жой олган. Шу боис унинг техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кўҳна маданий қадриятлар қайта тикланди. Жумладан, 1991 йилдан эътиборан кураш ҳам мамлакатнинг турли ҳудудларида муваффақият билан ривожлана бошлади. 1998 йилда эса Кураш халқаро ассоциациясига асос солинди. Ўзбекистон давлати раҳбари Ислом Каримов унинг фахрий президенти ҳисобланади.

Бугунги кунда Ер юзининг 5 қитъасидаги 100 дан ортиқ миллий уюшмаларни ўз атрофида бирлаштирган ушбу ассоциация томонидан кўплаб мусобақалар ўтказиб келинаётир. Ўз навбатида, Осиё олимпия кенгаши спортнинг мазкур турини расман қитъа ўйинлари дастурига киритган.

Ажойиб ва гўзал Наврўзи олам шукуҳи давом этаётган айни кунларда диёрингиз аҳолисига мустаҳкам соғлиқ, бардавом фаровонлик, тинчлик ва бахту саодат тилайман.

Маълумот тариқасида қайд этиш лозимки, Италия кураш федерацияси 2014 йилда ташкил қилинган бўлиб, унинг бош идораси Казерта шаҳрида жойлашган. Ўтган йили апрель ойида ана шу ерда Кураш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда мазкур спорт тури бўйича дастлабки намойиш турнири ва биринчи миллий семинар ўтказилди. 2015 йилнинг ноябрида эса Кураш халқаро ассоциациясининг навбатдаги конгресси Италия кураш федерациясини ўз сафига қўшилишини маъқуллади.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

**МУШОҲАДА**

Оила — инсонни камолот сари етакловчи табаррук маскан. Негаки, ҳар бир мурғак қалб ҳаёт ҳақидаги дастлабки тушунчаларни ушбу даргоҳда англаб, улғаяди. Ўз яқинларига ота-она, бобо-буви, опа-сингил, ака-ука, деб аталмиш қондошлик ришталари билан боғланади. Бинобарин, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бу, аввало, унинг оиласи, ақл-идроки билан чамбарчас боғлиқ.

# Навқирон авлод тарбияси ва масъулият

Мисол учун, оила қурувчиларнинг ўз рўзғорини иқтисодий томондан таъминлай олиши ҳақида гапирсак, кимдир 18-19 ёшида муайян касбни эгаллаб, турмуши мустақил бўлса, яна кимдир 25-30 ёшда ҳам ота-онасидан моддий мадад кутиб яшайди. Табиийки, барқарор бўлмаган оилада муаммолар туғилаверади. Рўзғордаги етишмовчиликлар турли тушунмовчиликни келтириб чиқаради.

Катта ҳаёт йўлидан дадил одим ташлаш учун ҳар бир фарзанд муносиб тарбия олган, ўз оиласи шаъни, ғурурини сақлашни муқаддас ва шарафли вазифа, деб билиши лозим. Кузатишлар шуни кўрсатаяптики, эрта турмуш қуриш оқибатида кўпгина ижтимоий муаммолар юзага келмоқда. Аҳолининг асосий қисми, яъни 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда улар манфаатини ҳимоялаш, қулай шарт-шароитларда ўқиш, меҳнат қилишлари учун имконият яратиш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, эртамиз эгаларининг дунёқараши, орзу-истаклари ҳамда фаоллиги мамлакатимизнинг равнақига бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бор. Агар оилада аёл оқила, мулоҳазали бўлса, табиийки, ушбу хислатлар фарзандларида ҳам шаклланади. Ҳаётий сабоқ ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, оила мустаҳкамлигида биринчи омил аёл интеллекти, деб белгиланган.

“Қиз бола эса — бу бўлғуси она, фарзандларимизнинг тарбиячиси, — дейди Юртбошимиз. — Қолаверса, аёл зоти жамиятнинг сифат белгисини қўйиб берувчи, ижтимоий ҳаётнинг муаммоларини бартараф этувчи, ўзининг ақли ва салоҳияти билан фарзандларини камолга етказувчи, тарбия ва маърифатнинг эгасидир”. Шундай экан, қизларимиз нафақат фарзандларни дунёга келтириш, балки уларни баркамол этиб тарбиялашда ҳам ўз ўрнига эга бўлишлари лозим.

*Биламизки, аввало, қизлар эгаллаган касб-кори орқали ўзини намоён этади, оила қургач, фарзандига ибрат бўлади ва албатта, рўзғорнинг бир четини кўтаради. Демак, қиз бола, аввало, ҳунар эгаси бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади.*

Хабарингиз бор, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёшларни ўқиш давридаёқ касбга тўғри йўналтириш асосий масалалардан бири сифатида қайд этилган. Кузатиш ва тажрибалардан маълумки, профессионал малака, кўникма ва билим эгаллаш учун ўсмирлик даври энг маъқул палла ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежлари фаолияти айнан шу мақсад рўёби учун хизмат қилади. Бинобарин, мамлакатимизда қанчадан-қанча замонавий касб-ҳунар коллежлари барпо этилди, уларнинг моддий-техника базаси, ўқитувчи ва мутахассисларнинг салоҳиятига эътибор, талаб тубдан ўзгарди. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш доимий назоратда. Бундай юксак ғамхўрлик кўрсатилаётган пайтда коллежда ўқиётган қизни турмушга бериш унинг орзу-ниятларига эътиборсизлик қилиш, келгуси ҳаётини ўйламаслик, Президентимиз айтганидек, калтабинликдир. Ахир дунёнинг кўплаб давлатларида болаларни ўқитиш учун ота-она пул тўлашга мажбур.

Минг таассуфки, баъзан қизларимизнинг эрта турмушга узатилиши турли салбий ҳолатларга олиб келмоқда. Миллий удумга кўра, асосан, келинларнинг оиладаги вазифаси сифатида ҳар хил юмушларни бажариш талаб этилади. Табиийки, ҳали оилавий муносабатларга тайёр бўлмаган келинчак қайнонаси талаб қилганчалик уй ишларини бажаролмайди. Қолаверса, унинг бу ёшда ҳомиладор бўлиши эса туғиш жараёнида ҳаёти учун хавфли бўлган бир қатор муаммоларни юзага чиқаради. Айрим ота-оналар қизларини эрта узатиб, тезроқ “қарздан қутулиш” пайида бўлишади. Бироқ фарзанди янги оилага кўникиб, келинлик “юки”ни кўтаришга, энг асосийси, она бўлишга тайёрми? Орзуҳавас ўз йўлига, ёшгина қизнинг кейинги тақдири-чи? Наҳотки, бу ҳақда ота-оналар жиддийроқ ўйлаб кўрмаяпти?!

Эрта никоҳ қизларнинг айни ўқийдиган, бирор касбни эгаллайдиган даврига тўғри келиши, ёш организмнинг ҳомиладор бўлишга тайёр эмаслиги нафақат ёш онанинг, балки бўлажак фарзанднинг ҳам саломатлигига салбий таъсир этиши мутахассислар, шифокорлар томонидан бот-бот айтилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, барвақт турмуш қурган қизларда афсусланиш, ёлғизлик ҳисси, дўстларидан узоқлашиш, яккаланиш каби руҳий ҳолатлар юзага келади. Шунингдек, эрта ҳомиладорлик натижасида ёш аёлда турли психологик ўзгаришлар, фарзандларнинг муддатидан олдин ёки туғма нуқсонли туғилиши, туғуруқнинг асоратли ўтиши кузатилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аёллар, хусусан, қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, шундай деди: “Сизларга яхши маълумки, юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган”. Бу сўзлар ҳар биримизни юртимиз келажаги бўлган ёшларимиз тарбиясига янада эътибор билан қарашга ундайди.

**Феруза АКРАМОВА, психология фанлари номзоди, доцент.**

## Спорт

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Аллюр” от спорти клубида ўсмирлар ўртасида от спорти бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

# Чавандозлар муваффақияти



Унда вакилларимиздан ташқари, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан келган спортчилар ўз маҳоратини намойиш этди.

Хусусан, 110 сантиметр баландликдан от сакратиш мусобақаларида ҳамюртларимиз Миррауф Одилов биринчи, Абдушукур Собиржонов иккинчи ва Аъзам Раҳматов учинчи ўринни эгаллади.

Баландлиги 125 сантиметрлик тўсиқлардан от сакратиш баҳсида ҳам шоҳсупанинг барча поғонасидан ўзбекистонлик истеъдод эгалари жой олди. Жумладан, Абдушукур Собиржонов, Аъзам Раҳматов ва Нодир Мирсаидов энг яхши натижаларни қайд этиб, ғолиб ҳамда совриндорга айланишди.

Ўз навбатида, жамоавий беллашувлар ҳамда Гран-при баҳсларида мамлакатимизда камол топаётган ёш чавандозларга тенг келадигани топилмади.

РЕКЛАМА




# Ўзбекистон гуруҳда биринчи

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси саралаш мусобақалари иккинчи босқичи сўнгги ўйинида Баҳрайн терма жамоасини қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, “H” гуруҳида тўп сураётган футболчиларимиз саралаш босқичи доирасида ҳозиргача ўтказилган етти учрашувнинг олтитасида рақибларни мағлубиятга учратиб, 18 очко билан пешқадамга айланганди.

Ўтган йили Ўзбекистон ва Баҳрайн жамоалари ўртасидаги дастлабки учрашувда эса вакилларимиз сафарда 4:0 ҳисобида муваффақият қозонганди.

Муҳташам “Бунёдкор” стадионида ўтказилган навбатдаги баҳсда ҳам ҳамюртларимиз ишончли ҳаракат қилди. Улар шивалаб ёғаётган ёмғир остида мухлисларга хуш ёқадиган ўйин намойиш этдилар. Матчнинг 50-дақиқасида истеъдодли ярим ҳимоячимиз Сардор Рашидов рақиб ҳимоячиларини бирин-кетин доғда қолдириб, дарвозани аниқ нишонга олди ва терма жамоамизга ғалаба келтирган ягона гол муаллифига айланди.

КХДР терма жамоаси эса меҳмонда Филиппин термасига қарши кечган муросасиз баҳсда 2:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва жами 16 очко жамғариб, мазкур саралашни иккинчи ўринда якунлади.

Шундай қилиб, мамлакатимиз терма жамоаси ўз тарихида олтинчи бор жаҳон чемпионати учун саралашнинг охирги босқичига ҳамда кетма-кет еттинчи бор Осиё кубогига йўлланмани қўлга киритди. Сўнгги босқич ўйинларига 12 апрель куни қуръа ташланади. Унда саккизта гуруҳдан 1-ўринни эгаллаганлар тўғридан-тўғри ҳамда энг яхши натижани қайд этган тўртта 2-ўрин соҳиби, жами 12 та жамоа иштирок этади. Ўйинлар шу йил сентябрь ойида бошланади.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6